

## ИЖИДЖ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ТАСАВВУРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШДАГИ ЎРНИ (тезис)

Сапарбаев Сирожиддин Қурбонбоевич

Бош прокуратура бошқарма прокурори

**Калит сўзлар:** имиж, тимсол, кўриниш, ижобий ва салбий имиж, индивидуал ва корпоратив имиж, имижга мослик, замон талаби, жамият психологияси

Ҳар қандай соғлом тафаккурли инсон шахс сифатида жамият ҳаётига кириб келар экан, уни жамият ҳеч бир монеликсиз қабул қилишини, бегона санамаслигини истайди. Кейинчалик эса ўзининг яхши хусусиятлари билан жамиятда эътироф этилиш, ҳурмат қозониш ва намунали шахс сифатида тилга тушиш учун ҳаракат қилади. Бунга ҳам эришгач, жамият ҳаётига яхши маънода таъсир ўтказиш, уни ислоҳ этиш ва раванқ топтиришда ташаббускор бўлиш, фаоллик кўрсатиш, шу орқали ўз номини тарихга муҳрлашни кўзлайди. Бу мақсадларга эришиш учун инсон бошқалар кўнглига йўл топиши, уларда яхши таассурот қолдириши, ўз шахсига нисбатан ишонч ва қизиқиш (симпатия) пайдо қилиши, атрофига яхши, салоҳиятли одамлар йиғилиши ва эргашиши учун замин яратиши талаб этилади.

Шу нуқтада у **имиж тушунчасига** мурожаат қилади. Имиж тушунчасига луғатларда куйидаги мазмунда таъриф берилади, **имиж** – (инг. image, лот. imago — тимсол, кўриниш) бирор нарса, ҳодиса ёки инсоннинг омма тафаккурида шакллантирилдиган қиёфаси (образ) бўлиб, у мақсадли равишда яратилади.

Бир жиҳатга алоҳида эътибор берилса, **имиж мақсадли равишда яратилади**. Демак, имиж инсоннинг табиий кўриниши ёки ҳолати эмас, балки унинг такомиллашган, ўз наздида ижобий жиҳатлар билан бойитилган, гўзаллашган кўриниши ҳисобланади. Аслида, имиж бизнинг менталитетга узоқ тушунча эмас, унга ҳаётимизда кўплаб мисоллар топилади.

Масалан, ҳар бир инсоннинг ўз кўриниши, ўз ҳаёт тарзи ҳамда бунга параллел равишда одамлар кўз олдига олиб чиқадиган кўриниши бор. Кўпчиликда уйда кийилдиган кийим ва кўчага чиққанда кийилдиган кийим

бир хил эмас. Бу билан одамлар кўз олдида ўз одатий ҳолимизча эмас, ўзгача кўринишда намоён бўлишга, ижобий таассурот қолдиришга интиламиз. Ўша таассурот мазмуни ҳам бизнинг характер ва савиямиздан келиб чиққан ҳолда фарқланади.

Шу ўринда имижни сохталик ва носамимийликдан фарқлаш керак бўлади. Аслида имижда ёлғонлар эмас, аксинча ўз тасаввуримиздаги биз, яъни тафаккурдаги инсон типи яшайди. Биз аслида чин дилдан шундай бўлишни истаймиз, шунга интиламиз, аммо табиий-ижтимоий муҳит, шарт-шароит бунга имкон бермаслиги мумкин. Биз ўзимизда йўқ нарсалар билан эмас, аслида бизда бор, лекин юзага чиқмаган нарсалар билан одамларга ўзимизни кўрсатишни истаймиз. Ҳаётда имиж инсонни ўзгартиргани, уни фаол яшашга, ўз устида ишлаш ва малакасини оширишга ундагани кўп кузатилган. Тўғри танланган имиж орқали инсоннинг ўзига ишончи ортади, бу эса оилавий бахт, тинчлик-осойишталикни қарор топтиради, ҳамкасблари, дўстлари билан муносабатлари яхшилади, меҳнат фаолиятида муваффақиятга эришилади, турли конфликт ва зиддиятли шароитларни тўғри ва амалий ечиш имкони пайдо бўлади, инсоннинг маънавий-маданий ижобий қирралари юзага чиқади. Шу боис, инсон ҳаёти ва фаолиятида имижнинг аҳамиятини сира инкор этиб бўлмайди.

Юқорида имиж мақсадли равишда яратилади, деган жиҳатга эътибор қаратдик. Имижни яратишдан мақсад бўлади, албатта. Унинг инсон учун фойдали ёки зиёнли жиҳати ҳам айнан имиждан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади. Ҳаттоки, қўйилган мақсад имижнинг мазмун-моҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шунга кўра имижни шартли равишда икки турга, яъни **ижобий ва салбий имижга** ажратиш мумкин. Агар яхши мақсад кўзланган бўлса, имижда ҳам ижобийлик акс этади. Ёмон мақсад эса имижга путур етказади, одамларда ёмон таассурот қолдиради ва эгасига зиён етказиши мумкин. Ижобий имиж орқали эса инсон узок вақт одамлар эътиборида юради, ҳурматга ва диққатга сазовор бўлади, ўз иқтидори ва қобилиятини тўла намоён эта олади, маълум мавқега эга бўлади, атрофидагиларга таъсир ўтказа олади, ўз мақсадларини илгари суради, атрофида ўз аурасини яратади, маслақдошлар орттиради ва бошқа ижобий натижаларга эришади. Шунинг учун имиж яратишда мақсадни тўғри қўйиш жуда муҳим ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, имиж яратишда пухта ўйланган, илмий ёки ахлоқий асосларга эга, тажрибадан ўтган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда аниқ мақсадга йўналтирилмаган хатти-ҳаракатлар содир этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки жамиятга биз ҳақимизда берилган ҳар қандай ахборот ёки намоён этган кўринишимиз қандай натижа беришини олдиндан башорат қилиш муҳим. Битта нотўғри ёндашув ўша даврга қадар эришган барча ютуқларни барбод қилиши ҳам мумкин. Шу боис, кишиларда имиж яратувчиларга бўлган талаб жуда юқори. Ҳаттоки, ривожланган жамиятларда имиж яратиш билан махсус институтлар, мутахассислар шуғулланади, мижозлар эса уларнинг тавсиялари ва кўрсатмаларига қатъий риоя қилишади.

Бугунги кунда дунё илм-фани ва амалиётида имиж тушунчасига жуда кўп мурожаат қилинади. Сиёсатдами, иқтисодиётдами, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда муваффақиятга эришишни мақсад қилган киши учун ўз имижига эга бўлиш муҳим масала саналади.

Имиж инсон, яъни битта шахс тақдири билан боғлаган ҳолда тушинтирилса мутахассислар уни **индивидуал имиж** дейишади. Лекин имиж тушунчасидан нафақат якка инсонлар, балки гуруҳлар, меҳнат жамоалари, кичкинагина фирмадан тортиб йирик компанияларгача, ҳатто жамиятлар, халқлар ва давлатлар ҳам кенг фойдаланади. Буни эса мутахассислар **корпоратив имиж** сифатида ўрганишади.

Корпоратив имиж индивидуал имиждан биров мураккаб ҳисобланади. Индивидуал имижда шахс ва жамият ўртасида ўзаро муносабатлар кечса, корпоратив имиж муносабатларида учта тараф – корхона эгаси, жамоаси ва жамият иштирок этади. Бунда корхона жамият учун алоҳида, унда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар учун алоҳида иккита имиж яратиши талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, имижни яратишда қуйидаги **учта жиҳатларга** эътибор қаратиш лозим бўлади:

**биринчидан**, имиж яратишга киришишдан олдин имиж эгасининг шу кунга қадар жамиятда эгаллаган ўрни, ҳолати, одамларнинг у ҳақидаги тасаввури ҳамда тақдим этилаётган имижга чиндан қодирлиги, мослиги, ўзида шунга ишонч борлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, имижни ўзгартириб, шунга мос тарзда имиж эгасининг онги ҳам ўзгартирмасе, бу фойда бермайди. Имиж ва унинг эгасининг бир-бирига мослиги жуда муҳим ҳисобланади.

**Иккинчидан**, имижни яратишда замон ва маконнинг ушбу имиж эгасидан кутадиган нарсаси, яъни талабини чуқур ўрганиш лозим. Замон талаби ва эҳтиёжлари акс этсагина, имиж эгаси одамларда қизиқиш ва интилишни уйғотади.

**Учинчидан**, имижни намойиш қилишда тақдим этилаётган жамиятнинг, яъни аудиториянинг идрок этиш даражаси, менталитети ва психологиясига диққат билан қараш, характер ва савиясини инобатга олиш лозим.



Research Science and  
Innovation House